

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АЛИМКУЛОВА КОМИЛА ЗОКИРОВНА

**КЎП ТАРКИБЛИ ИММУНОМОДУЛЯТОР ХУСУСИЯТИГА ЭГА
ЎСИМЛИК КОМПОЗИЦИЯСИ ВА УНИНГ АСОСИДАГИ ДОРИ
ВОСИТАСИНИ СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Алимкулова Комила Зокировна

Кўп таркибли иммуномодулятор хусусиятига эга ўсимлик композицияси
ва унинг асосидаги дори воситасини стандартлаш3

Алимкулова Комила Зокировна

Стандартизация многокомпонентной растительной композиции
иммуномодулирующего действия и лекарственного средства
на ее основе21

Alimkulova Komila Zokirovna

Standardization of a multicomponent herbal composition of immunomodulatory
action and a drug based on it.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АЛИМКУЛОВА КОМИЛА ЗОКИРОВНА

КЎП ТАРКИБЛИ ИММУНОМОДУЛЯТОР ХУСУСИЯТИГА ЭГА
ЎСИМЛИК КОМПОЗИЦИЯСИ ВА УНИНГ АСОСИДАГИ ДОРИ
ВОСИТАСИНИ СТАНДАРТЛАШ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4. PhD/Far23 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Урманова Флюра Фаридовна фармацевтика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тиллаева Гулнора Уринбаевна техника фанлари доктори, профессор Ботиров Эркин Хожиакбарович кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЎзР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38; факс: (99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «___»_____ куни тарқатилди

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С. Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Х.Р. Тўхтаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси муовини, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра сўнгги йилларда иммун танқислик ҳолати экологик ва ижтимоий босимнинг тобора кучайиб бориши туфайли организмнинг қаршилиги сезиларли пасайиши, иммунитет ҳимоясининг заифлашишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан иммун танқислик ҳолати билан кечадиган патологиялар олдини олиш ва даволаш мақсадида доривор ўсимлик хомашёлари асосида иммуномодулятор ҳусусиятга эга бўлган турли композициялар яратиш, уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва стандартлаш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда тиббиёт амалиётида кенг қўлланиладиган доривор ўсимликларни биргаликда қўллаш натижасида улар таркибидаги биологик фаол моддаларнинг ўзаро синергизм таъсири ҳисобига терапевтик фаоллиги янада оширилиб, қўллаш учун қулай дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада кўп таркибли йиғмалар яратиш, уларнинг асосий биологик фаол моддалар гуруҳларини, чинлиги, сифат кўрсаткичларини ва фармакологик ҳоссаларини аниқлаш, улар асосида куруқ экстракт олиш ва стандартлаш ҳамда тиббиёт амалиётига татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида яратилган ўсимлик композициялардан дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиб, аҳолини юқори терапевтик фаолликга эга, хавфсиз, сифатли дори воситалар билан таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш...»¹ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий ўсимликларни халқ саломатлиги эҳтиёжлари учун сафарбар этиш, уларни сифат меъёрларини ҳалқаро талабларга мувофиқ белгилаш, ҳамда уйғунлаштириш мақсадида хавфсизлик кўрсаткичларини аниқлаш, сифат таҳлил усулларини валидациялаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги ПҚ-3137-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги 63-сон «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий хом ашё асосида иммунотроп дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларини яратиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш борасида Н.К.Абубакиров, З.С.Саатов, С.Н.Аминов, У.М.Азизов, Д.Н.Даминов, С.М.Мавлянов, С.И.Искандаров, Н.Ш.Рамазанов, Ё.С.Кариева, Н.Қ.Олимов, Ш.Ф.Искандарова каби ўзбек олимлари изланишлар олиб боришган.

Дунё миқёсида иммун танқислиги ва унинг асоратларини даволашда доривор ўсимликлар асосида олинган дори воситаларини қўллаш бўйича Р.М.Хайтов, С.В.Дутова, А.А.Ярилин, М.С.Савенкова, Л.В.Лусс, Н.И.Ильина, А.В.Богова, Р.И.Атауллаханова, G.S.Bondy, W.Chen, J.J.Pestka, A.Halenius, D.Odloak, E.K.Broberg, W.Zhang, D.Blair, K.Wang, F.Yuan, D.Song, D.Blair, M.M.Harnett, M.M.Harnett, J.Peltonie., A.Halenius, H.S.Goodridge ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари маълум.

Ушбу диссертация тадқиқотида қўлланилган доривор ўсимликлар композицияси, унинг кимёвий таркибини ўрганиш, стандартлаш, асосида сифатли дори воситаси ва биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқиш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар бугунги кунгача олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Янги кўп таркибли иммуномодулятор таъсирли ўсимлик йиғмаси ва унинг асосидаги дори воситасини стандартлаш тизимининг назарий ва экспериментал асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиётларни танқидий таҳлили асосида иммун танқислиги касалликларини олдини олиш ва даволаш учун янги ўсимлик дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш ва стандартлашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;

янги кўп таркибли ўсимлик йиғмасини иммуномодулятор фаоллигини таъминловчи асосий биологик фаол моддалар гуруҳларини аниқлаш;

асосий биологик фаол моддаларни идентификация қилиш ва миқдорини аниқлаш усулларини тавсия этиш;

йиғмани стандартлаш учун зарур бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларининг ишончли мезонларини ишлаб чиқиш;

йиғманинг сақлаш мумкин бўлган муддатини экспериментал асослаш;

йиғма асосида ишлаб чиқилган қуруқ экстрактнинг чинлик тавсифи ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва улар асосида тавсия этилаётган ўсимлик воситалар учун меъёрий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий доривор ўсимликларнинг хомашёси – тешик далачай, доривор лимонўт ер устки қисми, туксиз қизилмия, пахмоқ қариқиз, доривор қоқи илдизлари, доривор маврак, грек ёнғоғи, икки уйли газанда барглари, доривор мойчечак гуллари, оддий эман пўстлоғи олинган.

Тадқиқотнинг предмети тавсия этилган йиғма (биологик фаол кўшимча), унинг асосидаги дори восита (қуруқ экстракт)ни стандартлаш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни олиб боришда замонавий физик-кимёвий (қоғоз ва юпка қатлам хроматография, УВ- спектроскопия, ГСХ, ГХ, ЮССХ, индуктив-боғланган плазмали масс-спектрометрия, атом-абсорбцион спектроскопия, гамма-спектрометрия) ҳамда анъанавий фармакогностик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Флюкам» янги кўп таркибли ўсимлик йиғмасининг асосий биологик фаол моддалар ва уларнинг миқдори аниқланган;

тавсия этилаётган кўп таркибли ўсимлик йиғмаси асосида биологик фаол кўшимча ва қуруқ экстракт дори воситасини стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган, чинлиги ва сифатига оид мезонлар аниқланган;

қуруқ экстракт ва биологик фаол кўшимчанинг сифат кўрсаткичлари ҳалқаро стандартлар талабларига мослиги исботланган;

йиғма асосида олинган ўсимлик воситаларининг мўътадил сақлаш муддати ва шароитлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммуномодулятор таъсирига эга дори воситаси ва биологик фаол кўшимчасини олиш учун «Флюкам» янги кўп таркибли ўсимлик йиғмаси ишлаб чиқилган;

«Флюкам» йиғмаси асосидаги қуруқ экстрактнинг иммунномодуловчи фармакологик фаоллиги ва безарарлиги аниқланган, шунингдек, мазкур дори воситасига меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган;

биологик фаол қўшимчанинг иммунитетни кучайтирувчи махсус фармакологик фаоллиги ва захарсизлиги аниқланиб, меъерий ҳужжатлари тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий физик-кимёвий, фармакогностик, фармакологик ва статистик усуллардан, шунингдек, натижаларни статистик ишлашда Вилкоксон-Манн-Уитнинг U-мезони ва Стюдентнинг t-мезони фойдаланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Флюкам» янги кўп таркибли ўсимлик йиғмасини кимёвий таркиби аниқланганлиги ҳамда хомашё – тайёр ўсимлик доривор воситаси қаторидаги сифатини баҳолаш усулларини унификациясини таъминловчи «туташ» стандартлаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «WORLD FARM BUSINESS» МЧЖ билан ҳамкорликда «Флюкам» биологик фаол қўшимчаси учун Техник шартлари ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади ҳамда маҳаллий БФҚ лар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп таркибли иммуномодулятор хусусиятига эга ўсимлик композицияси ва унинг асосидаги дори воситасини стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Флюкам» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 27245830-02: 2020) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 64-27245830-02:2020) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланган. Натижада «WORLD FARM BUSINESS» МЧЖда фильтр-пакет шаклидаги иммунитетни кучайтирувчи биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

«Флюкам» куруқ экстракти учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКнинг 2020 йил 25 ноябрдаги 29/01-521-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ушбу меъерий ҳужжатлар тасдиқланиши иммуномодулятор маҳаллий дори воситалар ассортиментини кенгайтириш имконини беради;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида «Флюкам» куруқ экстрактининг специфик фармакологик фаоллиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли иммуномодулятор таъсирли безарар дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан 5 таси республика журналларида нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 96 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **«Иммун танқислиги. Иммун танқислигини коррекциялаш учун ўсимлик дори воситаларидан фойдаланиш истиқболлари»** деб номланиб унда адабиётлар шарҳи, шу жумладан иммунитет тизими ва иммунитетни тўғрилаш учун ишлатиладиган дори воситалари, иммуномодулятор сифатида ишлатиладиган доривор ўсимликлар ва ўсимлик йиғмаларини стандартлаштиришга замонавий ёндашувлар ҳақида умумий маълумотлар баён этилган.

Иккинчи **«Флюкам» янги ўсимлик йиғмасининг кимёвий таркибини ўрганиш»** деб номланган бобда ўрганилаётган йиғманин асосий биологик фаол моддаларини аниқлаш, идентификация қилиш ва микдорини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида маълум бўлган сифат реакциялар ва хроматографик таҳлил усуллари ёрдамида «Флюкам» йиғмасининг ўзига хос фаоллигини белгилайдиган биологик фаол моддалар мажмуаси аниқланган.

Бирламчи алмашинув моддалар моно- ва полисахаридлар, аминокислоталар, витаминлар, органик кислоталар ва липидлардан иборат эканлиги кўрсатилган. Иккиламчи алмашинув моддаларидан сапонинлар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, стероид бирикмалар ва минерал моддалар аниқланган.

Аниқланган моддаларни идентификация қилишда «гувоҳ» намуналар билан хроматографик таққослашдан ташқари (1-жадвал) зарур ҳолларда улар

«Флюкам» йиғмасининг кимёвий таркиби

Аниқланган биологик фаол моддаларнинг гуруҳлари	Идентификация қилинган бирикмалар
Моносахаридлар	Глюкоза, арабиноза, фруктоза, сахароза
Сувда эрийдиган полисахаридлар	Глюкоза, фруктоза, арабиноза (гидролиздан сўнг)
Витаминлар	Аскорбин кислотаси, каротиноидлар (β-каротин)
Органик кислоталар	Лимон, олма, оксалат, янтар, фумар кислоталар
Ошловчи моддалар	Конденсацияланувчи танидлар
Флавоноидлар	Кверцетин, гиперозид, рутин
Сапонинлар	Глицирризин кислотаси
Стероид бирикмалар	β-ситостерин

инструментал физик-кимёвий усуллар ёрдамида ажратиб олинган ва таҳлил қилинган.

Йиғманинг аминокислоталар таркибини ўрганиш. «Флюкам» йиғмасининг аминокислоталар таркиби ва миқдори ЮССХ усулида Shimadzu LC -20 prominens хроматографида аниқланган (2-жадвал).

«Флюкам» йиғмасининг аминокислоталар таркиби

№	Аминокислоталар	Ушланиш вақти, мин	Миқдори, мг/г	Миқдори, %
1.	Треонин*	16,159	0,00896	0,621
2.	Серин	4,392	0,06100	4,225
3.	Цистин	8,503	0,03844	2,663
4.	Метионин*	10,534	0,03604	2,497
5.	Изолейцин*	13,291	0,04046	2,803
6.	Цистеин кислота	9,278	0,00806	0,558
7.	Аспарагин кислота	1,667	0,08184	5,669
8.	Аспарагин	1,304	0,02662	1,844
9.	Лейцин*	11,864	0,00868	0,601
10.	Глутамин	2,015	0,12896	8,933
11.	Глицин	7,836	0,03472	2,405
12.	Аланин	6,339	0,00356	0,247
13.	Валин*	9,613	0,06188	4,286
14.	Глутамин кислота	3,117	0,39016	27,027
15.	Фенилаланин*	12,227	0,04038	2,797
16.	Тирозин	5,695	0,02674	1,852
17.	Лизин*	14,251	0,02604	1,804
18.	Гистидин*	4,902	0,05456	3,779
19.	Аргинин*	7,201	0,36652	25,389
Жами			1,44362	100
Изоҳ: * алмашинмайдиган аминокислоталар				

2-жадвалда кўрсатилган маълумотлардан кўриниб турибдики, аминокислоталарнинг ўзига хос тўплами 19 таркибий қисмни ўз ичига олади, улардан 9 таси алмашинмайдиган аминокислоталардир.

Адабиётлардан олинган маълумотларга кўра ўрганилаётган аминокислоталар аралашмасининг биологик қимматлигининг кўрсаткичларидан бири, бу алмашинмайдиган аминокислоталар йиғиндисининг 45-50 % бўлишидир. Бинобарин, ўрганилаётган йиғма учун алмашинмайдиган аминокислоталар миқдори 45,0% ташкил қилади.

Шу билан бир қаторда, аминокислоталар таркибида миқдор жиҳатдан глутамин кислота (27,0%) ва аргининнинг (25,0%) устунлиги аниқланди. Дарҳақиқат, глутамин кислота организмдаги иммунофаол оқсиллар ташкил қиладиган Т-лимфоцитларни ишлаб чиқишини ҳамда ўзига хос антитаналарни ишлаб чиқарилишини тезлаштирадиган иммунофаол аминокислоталар қаторига киради. Шунини инобатга олган ҳолда, аминокислоталар – “Флюкам” йиғманинг асосий таъсир этувчи моддалари билан бир қаторда унинг мажмуавий иммуномодулятор таъсирида иштирок этади деб хулоса чиқариш мумкин.

Липидларни ўрганиш. Умумий липидлар заррача катталиги 2 мм гача бўлган йиғмани хлороформ - метанол аралашмаси билан (2:1, v/v) уч мартта экстракция қилиш йўли билан ажратиб олинди. Кейин экстракт липид бўлмаган таркибий қисмлардан кальций хлориднинг 0,05% сувли эритмаси билан ювилди. Умумий липидларнинг миқдори (УЛ) 0,92% ни ташкил этди.

УЛ таркибини аниқлаш учун уларни силикагелли колонкада хроматография қилиб кетма-кет хлороформ, ацетон ва метанол билан элюирлаш йўли билан нейтрал липидлар (НЛ), гликолипидлар (ГЛ) ва фосфолипидларга (ФЛ) ажратилди.

Ушбу гуруҳларнинг ҳар бирини ишқорий гидролизидан сўнг ҳосил бўлган ёғ кислоталар диазометан ёрдамида метил эфирларига ўтказилди ва ГСХ усулида Agilent 6880N хроматографида таҳлил қилинди.

3 - жадвалда тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, НЛ да идентификация қилинган 14 та ёғ кислоталарнинг 46,21% тўйинган ва бироз кўпроқ, 53,79% тўйинмаган ёғ кислоталар ташкил қилади. Тўйинмаган ёғ кислоталарининг 40% омега-6-тўйинмаган линол ва линолен кислоталарга тўғри келади. Ушбу кислоталар ҳужайралар ҳимоя функцияларини оширишни ва тизимли яллиғланиш реакциясини пасайишини, инфекция асоратларини ривожланиши камайтиришини, шунингдек иммуносупрессияга чалинган касалларни даволаш вақтини камайтиришини ўз ичига олган иммунли жавобни чақиради.

Элементар таркибини ўрганиш. Индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усулида «Флюкам» йиғма таркибида 36 та минерал элемент, шу жумладан биологик фаоллиги бўйича организмнинг ҳаёт фаолиятига ижобий таъсир қилувчи фосфор, темир, марганец, рух, кальций, хром, магний, молибден ва мис каби элементлар мавжудлиги аниқланди (4-жадвал).

«Флюкам» йиғмасы липидларининг ёғ кислоталар таркиби, % Σ

№	Тривиал номи	Систематик номи (IUPAC)	Умумий формула	НЛ	ГЛ	ФЛ
1.	Лаурин кислота	Додекан	C _{12:0}	0,49	-	-
2.	Миристин кислота	Тетрадекан	C _{14:0}	1,69	3,88	6,16
3.	Пентадецил кислота	Пентадекан	C _{15:0}	1,27	2,55	2,84
4.	Пальмитин кислота	Гексадекан	C _{16:0}	32,84	50,25	62,7
5.	Пальмитолеин кислота	цис-9-гексадецен	C _{16:1ω7}	2,52	7,24	1,69
6.	Маргарин кислота	Гептадекан	C _{17:0}	-	-	1,93
7.	Стеарин кислота	Октадекан	C _{18:0}	6,04	8,25	14,05
8.	Олеин кислота	цис-9-октадецен	C _{18:1ω9}	11,35	5,94	3,64
9.	Линол кислота	цис,цис-9,12-октадекатриен	C _{18:2ω6}	13,58	6,61	3,24
10.	Линолен кислота	цис,цис,цис-9,12,15-октадекатриеновая	C _{18:3ω3}	26,34	15,28	2,05
11.	Арахин кислота	Эйкозан	C _{20:0}	0,96	-	-
12.	Генейкоцил кислота	Хенейкозан	C _{21:0}	0,55	-	-
13.	Беген кислота	Докозан	C _{22:0}	0,77	-	1,70
14.	Трикоцил кислота	Трикозан	C _{23:0}	0,74	-	-
15.	Лигноцерин кислота	Тетракозан	C _{24:0}	0,86	-	-
Σ	Тўйинган ёғ кислоталар			46,21	64,93	89,38
Σ	Тўйинманган ёғ кислоталар			53,79	35,07	10,62

«Флюкам» йиғмасининг элементлар таркиби

Элемент	Миқдори, мг/кг	Элемент	Миқдори, мг/кг
Li	1,30	Zn	6,30
Be	0,008	Ga	0,01
B	3,30	Ge	0,002
Na	382,00	As	0,71
Mg	3,10	Se	0,68
Al	1,90	Br	0,002
P	702,00	Rb	0,001
K	23,00	Sr	103,10
Ca	16,00	Y	0,34
Sc	0,07	Zr	1,20
Ti	29,60	Nb	0,24
V	5,50	Mo	2,00
Cr	6,00	Ag	0,05
Mn	24,00	Cd	0,02
Fe	130,0	Ba	1,41
Co	0,41	Au	0,001
Ni	1,28	Hg	0,032
Cu	0,77	Pb	0,004

Мазкур элементлар «Флюкам» йиғмаси таркибидаги асосий биологик фаол моддалари билан бирга маълум даражада ушбу ўсимлик воситасининг фармакологик қийматининг ошишини таъминлайди.

Йиғманинг биологик фаол моддаларининг кимёвий табиати ва таркиби аниқлангандан сўнг уларнинг миқдорлари ўрганилди.

Таҳлил натижалари 5-жадвалда умумлаштирилган.

Клиник олди фармакологик текширувларда «Флюкам» йиғмаси организмга ноўя таъсир кўрсатмаган ҳамда токсик бўлмаган ҳолда иммуномодулятор таъсирга эга эканлиги аниқланди.

«Флюкам» йиғмасининг тиббиёт амалиётига жорий этиш учун уни стандартлаш билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказилди. Йиғманинг стандартлаш бўйича услубий ёндашувлар ва экспериментал маълумотлар диссертациянинг «Флюкам» ўсимлик йиғмасини стандартлаш» деб номланган учинчи бобида акс этирилган.

Йиғманинг чинлиги унинг ташқи ва анатомик – диагностик белгиларини ўрганиш, асосий таъсир этувчи моддаларига сифат реакция ўтказиш билан аниқланди.

Йиғманинг ташқи кўриниши лупа остида ўрганилганда унинг алоҳида қисмлари ўзига хос морфологик белгилари бўйича аниқланди.

Йиғманинг микроскопик таҳлилида унинг таркибий қисмларига хос диагностик аҳамиятга эга бўлган анатомик белгилари тўлиқ намоён этилди.

«Флюкам» йиғмаси таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдори

Биологик фаол моддалар	Миқдори, % курук маҳсулотга нисбатан
Углеводлар:	
-моносахаридлар	2,26±0,05
-суда эрувчи полисахаридлар	4,12±0,1
Аминокислоталар	0,144±0,01
Липидлар	0,92±0,06
Витаминлар:	
-аскорбин кислотаси, мг%	100±1,23
-каротиноидлар, мг%	17,7±0,5
Органик кислоталар	0,9±0,03
Флавоноидлар	0,53±0,01
Ошловчи моддалар	18,4±0,3
Глицирризин кислотаси	0,34±0,01

«Флюкам» йиғмасининг ўзига ҳос биологик фаоллиги унинг таркибидаги ошловчи моддалар ва глицирризин кислота билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда айни шу табиий бирикмалар унинг кимёвий стандартлаш жараёнида чинлиги ва сифатлигини белгиловчи асосий меъзонлар сифатида қабул қилинган.

Жумладан, йиғма таркибидаги ошловчи моддаларни аниқлаш учун темир-аммоний аччиктош эритмаси билан рангли реакцияси, глицирризин кислотасини аниқлаш учун эса кўзғалувчи фаза хлороформ-сирка кислота (1:1) аралашмаси ёрдамида сорбентнинг юпқа қатламларида тақсимланиш хроматография усули ва УБ - нурида детекторлаш орқали аниқлаш тавсия этилди.

Йиғма таркибидаги ошловчи моддалар миқдори официнал перманганометрик усул ёрдамида аниқланди. «Флюкам» йиғмасининг бешта намунасида ошловчи моддаларнинг миқдори аниқлаш натижалари асосида уларнинг меъёрини 17,0% кам бўлмаслиги белгиланди (6-жадвал).

6 – жадвал

«Флюкам» йиғма таркибидаги ошловчи моддалар миқдорини аниқлаш усулининг метрологик тавсифлари


X	X _{ўр}	n	S	S _x	f	p	t	ΔX	ΔX _{ўр}	ΔE	ΔE _{ўр}
18,51	18,40	5	0,2581	0,1154	4	0,05	2,776	0,7165	0,3204	3,8935	1,7412
18,48											
18,44											
18,63											
17,96											

Бунга параллел равишда, йиғмадаги ошловчи моддаларнинг миқдори муқобил спектрофотометрик усул ёрдамида аниқланди. Таҳлил натижаларда деярли фарқ бўлмади.


Йиғма таркибидаги глицирризин кислотаси миқдори ЮССХ усули ёрдамида «LC-20 prominence» («Shimadzu Corporation») хроматографида аниқланди.

Хроматография шартлари: 3,0x150 мм, 4,6 мм, ZORBAX SBC18 колонка, ҳаракатланувчи фазани шундай танланадики унда оқим тезлиги 3,85 г аммоний ацетат 720 мл сувда эритилиб, 5 мл сирка кислотаси (конц.) ва 280 мл ацетонитрил қўшилганда глицирризин кислотасининг ушланиш вақти тахминан 10 дақиқани ташкил этиши керак; детектрлаш 254 нм тўлқин узунлигида амалга оширилди; колонка ҳарорати - 25 ° С; таҳлил вақти - 15 дақиқа.

Таҳлил натижалари 1, 2 расм ва 7-жадвалда келтирилган.



1-расм. Глицирризин кислотаси стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси



2-расм. «Флюкам» йиғмасининг текширилувчи эритма хроматограммаси

«Флюкам» йиғмаси таркибидаги глицирризин кислотаси миқдорини аниқлаш усулининг метрологик тавсифлари

X	X _{ўр}	n	S	S _x	f	p	t	ΔX	ΔX _{ўр}	ΔE	ΔE _{ўр}
0,345	0,34	5	0,0064	0,0029	4	0,05	2,776	0,01803	0,01	5,3543	2,3945
0,329											
0,337											
0,341											
0,332											

Олинган натижаларга асосланиб, йиғма таркибидаги глицирризин кислотасини меъёри 0,3% кам бўлмаслиги белгиланган.

Тадқиқот натижасида «Флюкам» йиғмаси учун глицирризин кислотасини миқдорини аниқлаш ЮССХ усулининг ўзига хослик, чиқиқлилик, тўғрилиқ ва аниқлиқлик меъзонлари бўйича валидация қилинди. Натижада ишлаб чиқилган усул яроқли эканлиги ҳамда мазкур йиғмани сифатини назорат қилишга имкон бериши аниқланди.

Йиғманинг сифатини белгиловчи бошқа кўрсаткичлар маълум бўлган фармакопея усуллари ёрдамида аниқланди.

Олинган маълумотларга асосланиб, «Флюкам» йиғмасининг сифатини меъёрлаштирувчи сонли кўрсаткичларнинг мезонлари белгиланган (8-жадвал).

«Флюкам» йиғмасининг сифатини меъёрлаштирувчи сонли кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	Йиғма учун меъёр
Ошловчи моддалар миқдори,%, кам эмас	17,0
Глицирризин кислотаси миқдори, %, кам эмас	0,3
Намлиқ, %, кўп эмас	8,0
Умумий кул, %, кўп эмас	11,0
Хлорид кислотасининг 10% эритмасида эримайдиган кул, %, кўп эмас	3,0
Тешиклар диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтмайдиган заррачалар, %, кўп эмас	5,0
Тешиклар ўлчами 0,25 мм бўлган элакдан ўтайдиган заррачалар, %, кўп эмас	3,0
Органик аралашмалар, %, кўп эмас	2,0
Минерал аралашмалар, %, кўп эмас	1,0

Шунингдек, «Флюкам» йиғмаси ўсимлик ҳомашёларининг микробиологик тозалигига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бериши кўрсатилди.

Флюкам йиғмани табиий шароитда сақлаш жараёнидаги турфунлигини ўрганиш унинг ташқи белгилари ва сонли кўрсаткичлари 2,5 йил давомида деярли ўзгармаганлиги кўрсатди. Шунинг учун мазкур йиғмани тайёрлашдан бошлаб 2 йил давомида қўллаш тавсия этилди.

Турли давлатларнинг меъёрий ҳужжатларига киритилган доривор ўсимликлар воситаларининг сифати ва тадқиқот усулларига қўйиладиган талабларни уйғунлаштиришнинг замонавий анаъналарни ҳисобга олган ҳолда, таклиф этилаётган йиғманинг сифати ва хавфсизлигини меъёрлаштирувчи кўрсаткичлар қаторида хавфли контаминантлар - токсик оғир металллар, радионуклидлар ва пестицидларнинг қолдиқ миқдорини аниқланди. Тадқиқот натижалари йиғманинг экологик тозаллиги ва қўллашда хавфсизлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида иммуномодулятор таъсирли дори воситаси ва биологик фаол қўшимчани яратиш учун тавсия этилган «Флюкам» янги кўп таркибли ўсимлик йиғмасининг сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар даражасини асослаш учун керакли маълумотлар олинди.

«Флюкам» кўп таркибли композициясининг дозаланган шакли иммунитетни ҳимояловчи биологик фаол қўшимча сифатида таклиф қилинди. Ушбу БФҚ ни фильтр-пакетларда чиқарилиши мўлжалланганлиги муносабати билан хомашёдан экстрактив ва таъсир этувчи моддалар тўла ажралиб чиқишини таъминлайдиган майдаланганлик даражаси (2 мм), фильтр-пакетларда хомашёни дамланишининг мақбул вақти (15 минут), шунингдек, хомашё ва эритувчи (сув)ни ўзаро мақбул нисбати (1:100-1:50 оралиғида) ҳамда яроқлилиги муддати (2 йил) аниқланди.

Олинган маълумотлар асосида «WORLD FARM BUSINESS» МЧЖ билан биргаликда йиғма асосидаги «Флюкам» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 27245830-02:2020) ва уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 64-27245830-02:2020) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

ЎзР ССВ дан «Флюкам» биологик фаол қўшимчасини ишлаб чиқариш ва қўллаш учун 2021 йил 26 июлда рухсат (№ 000984) олинган. Мазкур биологик фаол қўшимчани саноат миқёсида ишлаб чиқаришга «WORLD FARM BUSINESS» МЧЖ нинг розилиги олинган.

Диссертациянинг тўртинчи **«Флюкам» куруқ экстрактини стандартлаш** бобида «Флюкам» йиғманинг куруқ экстрактини стандартлаш билан боғлиқ амалий масалаларнинг ечими тақдим этилган.

Клиникагача бўлган фармакологик текширувлар кўрсатиши бўйича, «Флюкам» йиғмасидан олинган куруқ экстракт деярли захарли бўлмаган ва организмга ноҳўя таъсир кўрсатмаган ҳолда иммуномодулятор таъсирига эга. Хусусан, преднизолон иммуносупрессия моделида иммуномодулятор фаоллиги бўйича «Флюкам» куруқ экстракти хорижий аналоглардан - «Иммунал» («Лек дд», Словения) ва «Виусид» (Catalysis, Испания) препаратларидан қолишмаслиги ва баъзи ҳолларда ҳатто улардан ҳам ортиқлиги аниқланди.

Шу билан бирга, таклиф этилаётган дори воситаси фақатгина иммун тизимининг заифлашган жойларига таъсир қилиб яхшиланиши, унинг соғлом

жойларига таъсир этмаслиги аниқланди, бу эса уни узоқ вақт давомида иммун тизимига салбий таъсир кўрсатмасдан қабул қилиш имкони беради.

Дори воситаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг IAP 05583 «Яллиғланишга қарши иммуномодулятор ўсимлик дори воситаси» патенти олинган.

«Флюкам» қуруқ экстрактини стандартлаш, худди йиғмани стандартлаш каби ошловчи моддалар ва глицирризин кислотаси бўйича олиб борилган, яъни хомашё - тайёр ўсимлик дори воситаси қаторидаги кўрсатмалар, меъёрлар, ва сифатни баҳолаш усуллари унификациясини таъминловчи ягона «туташ» стандартлаш усулидан фойдаланилди. Шунингдек, «Флюкам» қуруқ экстрактининг сифат кўрсаткичлари фармакопея талабларига мос келиши кўрсатилган (9-жадвал).

9-жадвал

«Флюкам» қуруқ экстрактнинг спецификацияси

Кўрсаткичлар	МХ талаби	Характеристика	МХ га мувофиқлиги
Ташқи кўриниши	Ўзига хос ҳидли, ширин-аччиқ таъмли аморф кўнғир кукун	Ўзига хос ҳидли, ширин-аччиқ таъмли аморф кўнғир кукун	Мувофиқ
Эритманинг ташқи кўриниши	Ўзига хос ҳидли, ширин-аччиқ таъмли жирарранг эритма	Ўзига хос ҳидли, ширин-аччиқ таъмли жирарранг эритма	Мувофиқ
Эриш вақти	3.0 дақиқадан кўп эмас	2.5 дақиқа	Мувофиқ
Чинлиги			
А. Глицирризин кислотаси	Текширилувчи модда чўққисининг ушланиш вақти тегишли ишчи стандарт чўққисининг ушланиш вақтига мос келиши керак	Текширилувчи модда чўққисининг ушланиш вақти тегишли ишчи стандарт чўққисининг ушланиш вақтига мос келди	Мувофиқ
Б. Ошловчи моддалар	Темир хлорид эритмаси билан қора-яшил ранг ҳосил бўлади	Темир хлорид эритмаси билан қора-яшил ранг ҳосил бўлди	Мувофиқ
Намлик	5,0% дан кўп эмас	4,26 %	Мувофиқ
Эритманинг рН	4,5-7,8	6,13	Мувофиқ
Эритманинг зичлиги	1,010-1,040 г/см ³	1,014 г/см ³	Мувофиқ
Сульфат кули	0,1% дан кўп эмас	0,07%	Мувофиқ
Асосий таъсир этувчи моддалар миқдори:			
-глицирризин кислотаси	1.5% дан кам эмас	2,02%	Мувофиқ
-ошловчи моддалар	45.0% дан кам эмас	50,04%	Мувофиқ
Микробиологик тозаллиги	Аэроб бактериялар умумий сони (1 г намунда) - 10 ⁵ кўп	50 КОЕ/г;	Мувофиқ

	эмас Ачитки ва моғор замбуруғлари умумий сони (1 г намунада) – 10 ⁴ кўп эмас Enterobacteriaceae гуруҳи (Escherichia coli ва Salmonella), Pseudomonas aeroginosa ва Staphylococcus aureus – мавжуд бўлмаслиги керак	200 КОЕ/г; Мавжуд эмас	Мувофик Мувофик
--	--	-------------------------------	------------------------

«Флюкам» куруқ экстракти «Виусид» дори воситасига қиёс қилиб, ичиш учун эритма тайёрлашга дозаланган 2.0 г кукун сифатида ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Олинган маълумотларга асосланиб, «SHARQ DARMON» МЧЖ билан биргаликда «Флюкам» куруқ экстракти учун корхонанинг Фармакопоя мақоласи (КФМ) лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК га тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат олишга тақдим этилган» (2020 йил 25-ноябрдаги 29/01-52-сонли хат).

«Флюкам» куруқ экстракти саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун «SHARQ DARMON» МЧЖ нинг розилиги олинди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида тиббиёт амалиёти учун иммуномодулятор таъсирга эга «Флюкам» янги кўп таркибли ўсимлик йиғмаси асосида «Флюкам» биологик фаол қўшимча ҳамда шу номдаги куруқ экстракти тавсия этилди. Ушбу ўсимлик воситаларини ишлаб чиқариш импорт ўрнини босиш ва маҳаллий хомашёдан фойдаланиш ҳисобига Республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиради, шунингдек, аҳолини самарали ва арзон ҳаётий зарур дори воситалари билан таъминлаш бўйича давлатнинг муҳим ижтимоий вазифасини ҳал қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор янги кўп таркибли «Флюкам» ўсимлик йиғмасини стандартлаштириш тизими назарий ва экспериментал асосланган ҳолда тақлиф этилган.

2. Йиғма таркибидаги унинг иммуномодулятор фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар мажмуаси моно- ва полисахаридлар, аминокислоталар, каротиноидлар, органик кислоталар, танинлар, флавоноидлар, сапонинлар, стероид бирикмалар ва минерал моддалардан иборат эканлиги аниқланиб, йиғманинг биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳлари таркиби ва миқдори белгиланган.

3. Тавсия этилган ўсимлик йиғмасининг асосий таъсир этувчи моддаларининг – танидлар ва глицирризин кислотасини сифат ва миқдорини

аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди, йиғманинг чинлиги ва сифат кўрсаткичлари тавсифлари ҳамда мўътадил сақлаш муддатлари экспериментал асослаб, белгиланди.

4. Кўп таркибли йиғма асосида «Флюкам» қуруқ экстракт ва биологик фаол қўшимчани яратиш ва стандартлаштиришнинг амалий жиҳатлари ҳал этилди.

5. «Флюкам» қуруқ экстракти учун корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК га тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат олишга тақдим этилди.

6. «Флюкам» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар ва уни ишлаб чиқариш учун Технологик йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. ЎзР ССВ дан ушбу биологик фаол қўшимчасини ишлаб чиқариш ва қўллаш учун рухсат олинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019 FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АЛИМКУЛОВА КОМИЛА ЗОКИРОВНА

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ МНОГОКОМПОНЕНТНОЙ РАСТИТЕЛЬНОЙ
КОМПОЗИЦИИ ИММУНОМОДУЛИРУЮЩЕГО ДЕЙСТВИЯ И
ЛЕКАРСТВЕННОГО СРЕДСТВА НА ЕЕ ОСНОВЕ**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/Far23.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Урманова Флюра Фаридовна доктор фармацевтических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тиллаева Гулнора Уринбаевна доктор технических наук, профессор Ботиров Эркин Хожиякборович доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, медицинских изделий и медицинской техники» при МЗ РУз

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (98872) 256-37-38; факс (99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер _____) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (98872) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2021 г.).

К.С. Ризаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С. Кариева
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.фарм.н.,
профессор

Х.Р. Тухтаев
Зам. председателя научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.фарм.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, в последние годы вследствие все возрастающего эколого-социального прессинга отмечается существенное снижение резистентности организма, приводящее к ослаблению иммунной защиты. В условиях, когда практически любое заболевание сопровождается развитием иммунодефицитных состояний, исследования по созданию композиций иммуномодулирующего действия на основе местного растительного сырья приобретают особо важное значение.

В мировой медицинской практике проводятся широкомасштабные исследования по разработке удобных в применении лекарственных средств и биологически активных добавок на основе комплексного использования лекарственных растений с высокой терапевтической активностью за счет синергизма содержащихся в них биологически активных веществ. В этой связи созданию многокомпонентных сборов, определению основных групп биологически активных веществ, показателей подлинности, доброкачественности и фармакологических свойств, получению и стандартизации сухих экстрактов на их основе, а также внедрению их в медицинскую практику уделяется особое внимание.

В республике достигнуты определенные результаты по разработке лекарственных средств и биологически активных добавок из растительных композиций на основе местного сырья, обеспечению населения безопасными, эффективными лекарственными средствами, обладающими высокой терапевтической активностью. В четвертой главе Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «... по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, обеспечению населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями...»¹. В этой связи мобилизация местных растений для нужд здравоохранения, установление норм качества и гармонизация их в соответствии с международными требованиями, определение показателей безопасности, валидация методик оценки качества имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-3137 от 17 июля 2017 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», ПП-4554 от 30 декабря 2019 года «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан», ПП-4670 от 10 апреля 2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

имеющихся ресурсов», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №63 от 27 января 2018 года «О мерах по дальнейшему развитию производства и промышленной переработке солодки и других лекарственных растений в Республике Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В настоящее время широко известны работы в области создания и внедрения в медицинскую практику иммуностропных препаратов и биологически активных добавок на основе местного растительного сырья таких отечественных ученых, как Н.К.Абубакиров, З.С.Саатов, С.Н.Аминов, У.М.Азизов, Д.Н.Даминов, С.М.Мавлянов, С.Искандаров, Н.Ш.Рамазанов, Ё.С.Кариева, Н.К.Олимов, Ш.Ф.Искандарова.

В мировом масштабе известны исследования по использованию лекарственных растительных средств для лечения иммунодефицитных состояний и их осложнений, проводимые Р.М.Хаитовым, С.В.Дутовой, А.А.Ярилиным, М.С.Савинковой, Л.В.Лусс, Н.И.Ильиной, А.В.Боговой, Р.И.Атауллахановой, G.S.Bondy, W.Chen, J.J.Pestka, A.Halenius, D.Odloak, E.K.Broberg, W.Zhang, D.Blair, K.Wang, F.Yuan, D.Song, D.Blair, M.M.Harnett, M.M.Harnett, J.Peltonie., A.Halenius, H.S.Goodridge и другими.

До настоящего времени не проводилось систематических исследований композиции лекарственных растений, использованной в данной диссертационной работе, изучению ее химического состава, стандартизации и созданию эффективных лекарственных средств и биологически активных добавок на ее основе.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института «Разработка и внедрение в медицинскую практику оригинальных лекарственных средств на основе местных лекарственных растений и координационных соединений».

